O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 3105095

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 14-may • Payshanba • 58 (29.019) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланади.

ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ

Тошкент Ахборот технологиялари университетида «BestSoft — Uzbekistan-2009» дастурий маҳсулотлар миллий кўргазмаси очилди. Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси ҳамда БМТ Ривожланиш дастурининг «АКТ сиёсати» (ICTP) лойиҳаси томонидан ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 июлда қабул қилинган «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори жамиятимизда ахборот майдонини шакллантиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ҳозир мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан шуғулланадиган 200 дан ортиқ субъект фаолият кўрсатмоқда. Мазкур кўргазмада мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар саноатининг энг муҳим ва самарали лойиҳалари намойиш қилинмоқда. Унда дастурий маҳсулотлар миллий бозорини ривожлантириш борасида муваффақиятли фаолият юритаётган 40 дан ортиқ компания иштирок этмоқда. Ўзбекистон компаниялари кўплаб ўз ишланмаларига эга бўлиб, улар дастурий маҳсулотларни яратиш ва уни тарқатиш соҳасида дунёда етакчи деб тан олинган компаниялар билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Тадбирда халқаро ва мамлакатимиз IT компаниялари — дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар ва интеграторлар, контент-ишлаб чиқувчилар, хизматлар провайдерлари, илмий ва таълим муассасалари, вазирлик ҳамда идоралар вакиллари иштирок этмоқда. Форумга хорижий IT компанияларининг 200 дан зиёд вакили ташриф буюрди.

Кўргазма давомида семинар, анжуманлар ўтказиш, тақдимот дастурлари трансляцияси, соҳадаги сўнгги ютуқларни амалга ошириш бўйича тажриба алмашиш тадбирлари режалаштирилган. Масалан, веб-ишланмалар бўйича Ўзбекистон бозори етакчиларидан бири — «Mirada Software» компанияси хакерлар ҳужумига янги технологияларни қўллаш орқали қарши туриш борасида маҳорат дарслари ўтказади.

Тадбир доирасида «Дастурий маҳсулот — йил маркаси», «Ахборот технологиялари бўйича таълим соҳасидаги энг яхши компания», «2008 йилда жорий этилган энг яхши лойиҳа» йўналишлари бўйича ғолибларни тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтади. Шунингдек, турли кўнгилочар тадбирлар ҳам кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотади.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.
А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.



ЁШЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Ургут қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда тумандаги 64 та корхона ва ташкилот 200 дан ортиқ иш ўринлари билан қатнашди.

— Бундай тадбирлар Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан учинчи марта ташкил этилди, — дейди туман бандликка кўмаклашиш маркази директори Раҳим Холиқов.

Йил бошидан бери Илонли ва Гус қишлоқ фуқаролар йиғинларида ўтказилган ярмаркалар туфайли 300 нафардан ортиқ қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланган эди. Навбатдаги меҳнат ярмаркасида «Муҳандис — РАА» масъулияти чекланган жамият, туман газлаштириш идораси, Деҳқонобод «Сувоқова» сингари ташкилот ва корхоналар бўш иш ўринларини таклиф этди.

Ярмарка давомида 190 нафардан зиёд ёшларга ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

(Ўз мухбиримиз)

Тадбир

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ва Фридрих Эберт номидаги жамғарма ҳамкорлигида «Сиёсатда аёллар (Германия ва Ўзбекистон тажрибаси)» деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ижтимоий ҳаётда аёлларнинг роли ва ўрни, аёлларнинг ҳам касбий, ҳам ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш масалалари ҳақида фикр юритилди.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТДА

аёлларнинг фаоллиги кучайиб бормоқда

— Мамлакатимизда аёллар ўзларининг сиёсий, ижтимоий соҳадаги имкониятларини тўлақонли намоён этишлари учун барча ҳуқуқий асослар яратилган, — деди «Ижтимоий фикр» маркази директори ўринбосари Озат Ота-Мирзаев. — Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Сайлов қонунчилигида ҳам улар учун махсус квота назарда тутилган. Буларнинг барчаси аёлларнинг мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётида, ижтимоий жараёнда фаол иштирок этишини таъминламоқда. Бугун ҳар бир соҳада аёлларнинг самарали иштирокини кўриш мумкин.

— 1919 йилнинг 19 январи немис аёлларининг сиёсий эркинлиги тан олинган кун ҳисобланади, — деди германиялик меҳмон, «Марказий таҳлил» Интернет-журнали муҳаррири Беате Эшмент. — Айнан шу куни немис аёллари сайлаш ҳуқуқини қўлга киритди ва ўзларининг мисли кўрилмаган сиёсий фаолликларини намоён қилди. Миллий Кенгашга бўлиб ўтган сайловларда минглаб аёллар иштирок этганини қайд этиш мумкин. Бугунги кунда Германияда парламент депутатларининг учдан бир қисмини, 15 вазирликнинг 6 таси раҳбарларини аёллар ташкил қилади.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар аёлларнинг сиёсий фаоллигини таъминлашда кўпроқ нималарга эътибор қаратиш лозимлиги юзасидан фикр алмашдилар.

Гулрўҳ БЕГИМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ

салбий оқибатлари таъсирининг олдини олишда партия аъзоларининг иштирокини кучайтириш зарур, дея таъкидланди семинарларда

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгашида бўлиб ўтган семинар Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китобини ўрганишга бағишланди.

Унда вилоят партия кенгаши, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, йирик бошланғич партия ташкилотлари раислари, тарғиботчилар иштирок этди.

Бухоро давлат университети профессори, иқтисод фанлари доктори Бахтиёр Наврўзода асарнинг мазмун-моҳияти, унда илгари сурилган муҳим масалалар ҳақида батафсил тўхталди. Вилоят партия кенгаши раиси Саида Жўраева, Бухоро автомобиль ва йўллар коллежи директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳамза Муҳаммедов, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Қаҳрамон Бекмуродов ва бошқалар Юртбошимиз китобида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва мамлакатимизда унинг таъсирини камайтиришга қаратилган аниқ дастурни амалга ошириш бўйича тажриба алмашиш тадбирлари режалаштирилган. Масалан, веб-ишланмалар бўйича Ўзбекистон бозори етакчиларидан иборатлиги ҳақида электоратимизга кенг маълумот бериш талаб этилади. Шунингдек, кўрилаётган чора-тадбир ва уларнинг самарасини аниқ мисоллар асосида халқимизга тушунтириб боришимиз зарур.

— Инқироз юртимизни мутлақ четлаб ўтади десак, хато қиламиз, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шавкат Каримов. — Унинг мамлакатимизга таъсир этувчи жиҳатлари нималардан иборатлиги ҳақида электоратимизга кенг маълумот бериш талаб этилади. Шунингдек, кўрилаётган чора-тадбир ва уларнинг самарасини аниқ мисоллар асосида халқимизга тушунтириб боришимиз зарур.

Ўз мухбиримиз.

ЎзХДП Оқдарё туман кенгаши томонидан ҳам шу мавзуда давра суҳбати ташкил этилди. Унда ЎзХДП фаоллари, бошланғич ташкилотлари етакчилари қатнашди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Мажидхон Усмонов жаҳондаги молиявий-иқтисодий инқироз, унинг салбий таъсири, мазкур иқтисодий бўҳронга қарши Президентимиз бошчилигида ишлаб чиқилган дастурнинг аҳамияти, уни ҳаётга жорий этиш юзасидан бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида фикр юритди.

— Дастурда аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш сингари масалаларга алоҳида эътибор қаратилган, — деди у. — Айниқса, қишлоқларда янги корхоналар ташкил этилиши аҳоли турмуш шароити янада юксалишига хизмат қилади.

Депутат, шунингдек, ёшлар вакиллари, партия фаолларини қизиқтирган саволларига жавоб берди.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қашқадарё вилоят партия кенгаши Ахборот-ресурс марказида ҳам мазкур мавзуга бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенати аъзоси, Қарши давлат муҳандислик-иқтисодиёт университети ректори Муродулла Норму родов, вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Тўра Саидов ва бошқалар мамлакатимизни демократик янгилаш, барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва халқимиз турмуш фаровонлигини муттасил юксалтириб бориш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини таъкидлашди.

Мамлакатимизда қисқа муддатда Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилаётгани, бунда банк тизимини қўллаб-қувватлаш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан юқори технологияларни кенг жорий этишга, янги иш ўринлари яратишга қаратилган ишлар таҳлил этилди.

Шунингдек, семинарда Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, халқимиз турмуш даражаси ва фаровонлигини ошишига хизмат қилиши таъкидланди.

Музаффар ТУРОПОВ

ХАЙРИЯ ЁРДАМИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлими бир неча йилдирки ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаб, уларга дори-дармон, тиббиёт жиҳозлари, кийим-кечак, озиқ-овқат, спорт анжомлари, ногиронлик аравачалари етказиб бермоқда. Бугунги кунда у АҚШнинг «Амери Керз», Жанубий Кореянинг «KIF-I» ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилади.

Жумладан, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом ва маънавий бой, интеллектуал салоҳиятли ёш авлодни тарбиялаш каби эзгу мақсадларни кўзлаган ҳолда Шўрчи туманидаги 68-имконияти чекланган болалар мактабига 18 миллион 670 минг сўмдан ортиқ турли жиҳозлар хайрия ёрдами сифатида келтирилди.

— Билим даргоҳимизда 180 нафар бола тарбияланади, — дейди мактаб директори Эшбой Ҳасанов. — Уларга махсус дастур асосида таълим берилмоқда. Имконияти доирасида дурадгорлик ва тикувчилик сирлари ўргатилаётир. Ушбу тикув машиналари, иш столлари, компьютер жиҳозлари тарбияланувчиларимизнинг келажакда малакали ҳунар эгаси бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Соғлом оила — жамият қудрати

Оила жамият негизи, унинг тараққиётини таъминловчи омилдир. Бинобарин, оила фаровонлиги, осойишталиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Ёш оилаларга давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Бугунги замонавий оила қандай бўлиши керак? Мамлакатимизда бу борада қандай чора-тадбирлар амалга оширилаяпти?

Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори, психология фанлари доктори, профессор Васила КАРИМОВА билан суҳбатимиз шу ҳақда.

МУҚАДДАС МАСКАН, МЎЪЖАЗ БИР ВАТАН...

— Васила Маманосировна, аввало оиланинг жамиятдаги ўрни ва унинг ҳуқуқий асослари ҳақида тўхталсангиз.

— Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида «Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир» дея таъриф беради. Юртимизда оила қадрият сифатида эъзозланади, унинг маънавий, ҳуқуқий, мафкуравий, ижтимоий психологик жиҳатларини комплекс ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Унинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси XIV бобининг 63-моддасида: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» деб белгилаб қўйилган.

2-бет

Дастур ва ижро

• ҚИШЛОҚҚА ТАБИИЙ ГАЗ КЕЛДИ

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

• ЖАҲОН АНДАЗАЛАРИ САРИ ЙЎЛ



3-бет

Мавзуга қайтиб

• ТУГАМАЁТГАН «ТАНГАСОЗИ» ТУГАЙДИ

4-бет

❖ ЎзХДП фаоллари

ЕТАКЧИНИНГ БИР КУНИ

У ҳар куни субҳи содиқда, уфқ ғира-шира ёришиб келаётган бир паллада уйғонишга одатланган. Бугун ҳам енгилгина нонушта қилиб, аввало, бетоб ётган партия фаоли Асия опа Мансурованинг ҳузурига шошилди. У билан ярим соат чамаси суҳбатлашиб, қандай кўмак кераклигини сўради. Тезроқ соғайишини тилаб, хушнуд хайрлашди.

Хонасига кириб келганида соат 9 дан хиёл ўтган экан. Стол устида турган қоғозлар орадан бирини ажратиб олди ва ўқишга тутунди: *«Мен Тойлоқова Гулнора 16-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Халқ демократик партияси Дастури билан танишиб чиқдим. Партияга аъзо бўлмоқчиман».*

Етакчи уни яхши танийди. Одоб-ахлоқли, меҳнаткаш, илмли. Шундай ёшларни сафга олмаса, кимни олади. Бу аризани навбатдаги йиғилишда албатта, кўриб чиқамиз, деб ният қилди. Сўнг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида партиямиз тутган йўл, белгиланган чора-тадбирлардан келиб чиқиб, маҳаллада бажарилиши зарур бўлган муҳим ишлар, масалаларни белгилашга киришди.

Орадан бирор соатлар ўтиб, хонага партия фаоли Раиса опа кириб келди. У билан бажарилган ишлар юзасидан суҳбатлашди. Унинг ҳисоботидан кўнглида қониқиш ҳосил қилди. Сўнг ҳамроҳига юзланиб:

— Вақтингиз бўлса, Дилоромхон Дўсяровникига бирров ўтиб келсак. Сизу бизнинг кўмагимиз билан у кредит олиб, уйида касаначиликни ташкил қилган ва тўрт-беш нафар қўни-қўшнисини иш билан таъминлаган эди. Ишларини кўрайлик, эҳтимол бирор ёрдам керакдир.

Улар Дилором Дўсяровникига бориб у ерда касаначиларнинг ишлари, хусусан, хомашё масаласида бироз муаммолар пайдо бўлаётгани, шуларнинг ечимини топиш борасида маслаҳатлашишди ва бир қарорга келингач, туман Бандликка кўмаклашиш марказига йўл олди.

Марказ билан боғлиқ ишлар ҳадеганда битавермагач, туман партия кенгаши ва туман ҳокимлигига кириб чиқишга тўғри келди, кимлар биландир узоқ тортишди. Охир-оқибат, кечга яқин ишлар ҳал бўлиб, якунига етаётган бугунги кун натижаларидан мамнун ҳолда уйга қайтди. Бу пайтда кечки дастурхон атрофида уни оиласи, фарзандлари, яқинлари кутишаётганди...

Бу жонкуяр, фаол етакчи партиямизнинг Ғаллаорол туманидаги Олимлар маҳалласидаги бошланғич ташкилот раиси Улбий Шоғдоровадир.

У олти йилдан бери ҳудудий ташкилотнинг етакчиси сифатида фаолият кўрсатиб келяпти. Бу даврда ташкилот сифат жиҳатдан мустаҳкамланди, аҳоли орасида ўрни, мавқеи шаклланди. Буларнинг ҳаммасида қатъиятли, сўзи билан иши бир, ғайратли етакчининг хизмати катта. Шунинг учун ҳам яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида унинг фаолиятига юқори баҳо берилди ва юксак ишонч билдирилиб, етакчи этиб қайта сайланди.

— Бизга Улбий Шоғдоровадай ташкилотчи, ташаббускор, эл орасида обрў-эътиборли етакчилар жуда зарур, — дейди туман партия кенгаши раиси Бурхон Темиров. — Бундай фаолларимизнинг фидойилиги, жонсараклиги, масала ва муаммоларни тез илғаб, тегишли ташкилотлар олдига қатъият билан қўя билиши туфайли жойларда партиямизга ишонувчилар, ортимиздан эргашувчилар, хайрихоҳларимиз кўпаймоқда.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: *Улбий ШОҒДОРОВА.*

Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманида жойлашган 226-мактабда 60 нафардан зиёд ўқитувчи мингдан ортиқ ўқувчига сабоқ бермоқда. Уларнинг мукаммал таълим олиши учун барча шароитлар яратилган.

«КЎҲНА ВА АЗИМ ТОШКЕНТ»

Куни кеча мазкур билим даргоҳида туман партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб «Кўҳна ва азим Тошкент» деб номланган тадбир ўтказилди.

Ўқитувчи ва ўқувчилар учун дастлаб Мустақиллик майдони, унинг бунёд этилиши тарихи, қад кўтарган ёдгорликларга бағишланган фильм намойиш этилди. Шундан сўнг ўқувчилар ўзлари тайёрлаган Тошкент шаҳри удумлари акс этган саҳна кўриниши, интеллектуал ўйин, мусиқий дастурларни тақдим этишди.

— Тадбирга тайёргарлик давомида ўқувчилар «Тошкент обидалари» мавзусида деворий газета тайёрлашди, — деди тарих фани ўқитувчиси Акром Сатторов. — Қолаверса, шаҳар маҳаллалари, ҳудуддаги қадимий Қанғ давлати тарихини ўргандилар. Бундай тадбирлар ўқувчиларни Ватанга муҳаббат, аждодларнинг буюк ишлари ва бой меросини асраб-авайлаш руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Ҳар бир киши ўзи туғилиб ўсган юрти, маскани ҳақида чуқур билимга эга бўлиши, манзил-маконини асраб-авайлаши зарур. Пойтахтимиз тарихи, унинг юртимиз ҳаёти ҳамда маданиятида тутган ўрни, мустақиллик йилларида кундан-кун яшариб, яшнаб бораётганини хорижлик олимлар, меҳмонлар ҳам эътироф этишмоқда. Бугун Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига катта тайёргарлик кўрилмоқда, турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Гулрўҳ ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✸ Партия ҳаёти

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

кўпроқ амалий ишлар қилиш керак, дея таъкидланди Ўзбекистон ХДП Денов туман кенгашининг пленумида

Унда туман партия кенгаши аъзолари, депутатлар, фаоллар туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва уни амалга оширишда партия аъзоларининг иштироки масаласини муҳокама этди.

— Бугун дунё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида молиявий танглик, инқироз авж олиб, ишсизлик кучайиб бораётгани кузатилмоқда, — деди у.— Халқимизни бундай оғир шароитлардан асраш борасида давлатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган ишлар натижасида инқироз оқибатларининг олди олинаяпти. Нафақат мамлакат иқтисодиётини инқироз оқибатларидан сақлаш, шу билан бирга, ижтимоий масалаларга катта эътибор қаратилаётгани халқимизнинг, айниқса, партиямиз электорати манфаатларига хизмат қилмоқда.

— 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда фаол қатнашиш бошланғич партия ташкилотларининг ҳам долзарб вазифаси ҳисобланади, — деди партия фаоли Эътибор Хўжаева. — Бундан ташқари, Жамоатчилик қабулхоналари ва ёшлар ҳуқуқий маслаҳатхоналари фаолиятини янада такомиллаштирш лозим. Қолаверса, электорат, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун ва дастурларнинг ижроси самарадорлигини ошириш талаб этилмоқда.

Шунингдек, пленумда сўзга чиққан «Нозим Мирзаев» масъулияти чекланган жамият раиси Жума Мирзаев, Сурхондарё вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Икром Қурбонов ва бошқалар лоқайдлик, бепарволикка йўл қўймай, жамият ривожига хизмат қиладиган ишларни кучайтириш зарурлиги ҳақида фикр билдирдилар. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида партия ташкилотлари электорат манфаатини ҳимоя қилиш ишларига кўпроқ ҳисса қўшиш зарурлиги таъкидланди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Дастур ва ижро

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан Самарқанд вилоятида аҳолини табиий газ билан мунтазам таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Айни кунларда ўндан зиёд қишлоқларда газ қувурлари тортиш ишлари олиб борилаяпти. «Марказгаз» унитар корхонаси Самарқанд бўлимидан олинган маълумотга кўра, жорий йилда шу мақсадда 1 млрд. 513 млн. сўмлик иш бажарилиши режалаштирилган. Белгиланган тадбирларга қараганда, вилоятда қарийб 40 километрлик газ қувурлари ётқизилиши мўлжалланмоқда. Мазкур лойиҳалар корхонанинг ҳудудий бўлимлари қошидаги қурилиш-таъмирлаш жамиятларига тендер танлови асосида бўлиб берилган. Айни кунларда қурилиш-монтаж юмушларида нафақат вилоят, балки қўшни Жиззах вилояти газчилари ҳам иштирок этишаяпти.

ҚИШЛОҚҚА ТАБИИЙ ГАЗ КЕЛДИ

Жумладан, «Жиззахгазсув» қурилиш ва таъмирлаш масъулияти чекланган жамият муҳандис-техник ходимлари жорий йилнинг апрель ойи ўрталарида вилоятнинг Оқдарё туманидаги Қорақурбон, Темирак каби қишлоқлар аҳлини табиий газ билан таъминлаш мақсадида қурилиш-монтаж ишларини бошлашганди. Тажрибали ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимлар шижоати, ғайрати боис газ қувурларини узатиш ишлари белгиланган муддатдан илгари тугалланди. Қарийб 4 километрлик газ қувури тортилиб, 130 млн. сўмлик иш бажарилди.

— Корхонамизда 2 та махсус жиҳозланган автомашина, 1 та трактор бор. Шу сабабли, ишни белгиланган муддатдан олдин бажаришга эришдик. Асосий эътибор сифатга қаратилган, — дейди «Жиззахгазсув» қурилиш ва таъмирлаш масъулияти чекланган жамият раҳбари Раҳматулло Ҳамроев. — Қарийб бир ойдан бери шу ерда ишлаяпмиз. Қишлоқ аҳолиси, туман ҳокимлиги, туман газлаштириш идораси ходимлари бизга яқиндан ёрдам бермоқда. Кекса-ю ёш ҳар бир ишда кўмакдош. Ҳозирги кунда сўнгги синов ишларини бажараяпмиз. Ер қазиш, монтаж ишлари юқори даражада олиб борилди. Пластмасс қувурларни улаш, пайвандлаш ходимлардан катта масъулият талаб қилади. Шу сабабли, ҳар бир ишни режали тарзда бажаришга одатланганмиз. Қувурларнинг белгиланган босимга бардош беришлиги компьютер орқали текширилди. Ҳозирча, буюртмачилардан бирорта эътироз бўлмади. 110 диаметрли қувурлар юқори босимли газга мўлжалланган. Юқори босимли газни ўрта босимга айлантириб, истеъмолчиларга етказиб бериш мақсадида газ тақсимлаш ускунаси ўрнатилди. Насиб қилса, синов ишлари ниҳоясига етгач, туманнинг Қорақурбон, Темирак ҳамда Қўтирбулоқ қишлоқларидаги 400 дан зиёд хонадон табиий газдан баҳраманд бўлади.

— Жиззахлик ҳамкасбларимиз ишидан хурсандмиз. Бу лойиҳада қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш 2 ойга мўлжалланган эди. Улар вақтдан унумли фойдаланиб, ишни қисқа фурсатда якунлашди, — дея суҳбатга қўшилди Оқдарё туман газлаштириш идораси бош муҳандиси Мажид Номозов.

— Режага кўра, қишлоғимизга 2008 йили газ қувури тортилиши белгиланган эди, — дейди қишлоқ оқсоқоли Нормамат МАПДИЕВ. — Аммо турли сабабларга кўра, бу иш бошланмай қолди. Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили, деб эълон қилингандан сўнг орзуларимиз рўёбга чиқди. Мана, қарийб 4 та қишлоқ хонадонларига табиий газ келди. Бундан биз жуда хурсандмиз.

— Ёшим 84 да. 10 нафар фарзандим бор, — дейди Эргаш Мамараҳимов. Пенсияга қадар жамоа хўжалигида сувчилик қилдим. Биз кекса авлод вакиллари бу кунларни фақат орзу қилганмиз, холос. Пахта яккаҳокимлиги даврида ойнинг ёруғида пахта суғориб, куни билан далада ишласак-да, меҳнатимизга яраша қадр топмадик. Мустақиллик туфайли қишлоқларимиз бутунлай ўзгарди. Аҳолининг кайфияти ҳам бошқача. Эртанги кундан умидимиз катта. Мана, хонадонимизга табиий газ ҳам келди. Ахир, ўчоқда газ ёниб турса, ўтин-кўмир демасак, бизга яна нима керак. Бу кунларнинг қадрига етмасак ношукрчилик бўлади.

— Эргаш бобо ишнинг сифатидан гапирмайсизми, — дея суҳбатга қўшилди қишлоқ фаолларидан бири Худойберди Умаров. — Ҳар бир иш сифатли бажарилди. Ҳалиги компьютери борку, ўша далада ҳам ишлайверар экан. Қойил қолдим. Қаерда носозлик, ишнинг сифати, қувурларнинг ётқизилиш ҳолати борми, ҳаммасини кўрсатади. Қишлоғимиз аҳолиси ҳам қараб турмади. Қувурларни ётқизиш дейсизми, бошқа ишми, қўл қовуштириб турмадик. Ҳамма бир ёқадан бош чиқарди.

— «Жиззахгазсув» қурилиш ва таъмирлаш масъулияти чекланган жамият ишчи-хизматчилари ҳақиқатдан ҳам катта тажрибага эга экан. Иш ҳам сифатли, ҳам муддатидан илгари тугатилди. Бу ерда амалга оширилган юмушларни кўздан кечирган корхонамиз маъмурияти жиззахлик ҳамкасбларга Ургут туманида яна бир иншоотни топшириши лозим деб топишди. Қарийб 300 млн. сўм маблағ эвазига туманнинг Испанза қишлоғида 4 километрдан зиёд газ қувури тортилиши режалаштирилган. Жиззахлик қурувчи-монтажчилар гуруҳи ишни бошлаб юборишди.

Абдували ХУДОЁРОВ

МУҚАДДАС МАСКАН, МЎЪЖАЗ БИР ВАТАН...

Истиқлол йилларида мамлакатимизда оилани мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди. Жумладан, 1998 йилнинг 30 апрелида Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси қабул қилинди. Кодексда оилавий муносабатларнинг барча қирралари, муаммолари, ечимлари ўзининг тўла аксини топган.

— Маълумки, республикамизда йилдан-йилга расмий никоҳлар, яъни ёш оилалар сони ошиб боряпти. Шу билан бирга, никоҳ ажримларни камайтириш ижтимоий аҳамият касб этаяпти. Яъни «оилага аралашиш» ҳоллари содир бўляпти. Психолог олим сифатида сиз буни қандай изоҳлайсиз?

— Никоҳнинг мустаҳкамлиги кўпроқ икки ёшнинг оиладаги бурч ва ҳуқуқларини теран англашларига, маънавий муҳит ва оила психологиясига боғлиқ бўлади. Шу ўринда жамиятимизда оила психологияси мустақил тадқиқотлар тармоғи сифатида шаклланганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Оила мустаҳкамлигида қизларнинг никоҳга кириш ёши муҳим аҳамиятга эга. Фактларга мурожаат қилайлик, 1991 йилга нисбатан олсак, 20 ёшдан ошиб оила қурган қизлар сафи сўнгги йилларга келиб салкам уч бараварга ошган, ўртача никоҳга кириш ёши охирги статистик маълумотларга кўра аёллар учун 21,5 ёш, эркаклар ўртасида эса 24,3 ёшни ташкил этган. Шу ўринда 15-17 ёшда она бўлаётганларга, қонунда белгиланганидек, агар шундай фавқулодда ҳолатларда расмий никоҳни қайд этиш учун маҳаллий ҳокимларга никоҳ ёшини қисқартириш ваколати берилганини ҳам эслатиб ўтмоқчимиз.

Масаланинг кишини мулоҳазалашга ундайдиган жиҳатини айтмоқчимиз. Унутмангки, балоғат ёшига етмай оила қурилаётган бу ёшлар сизнинг ва бизнинг наслимиз софлигини, шажараларимиз боқийлигини таъминлайди. Шу боис ҳам ўсмир қизларнинг барвақт она, йигитларнинг ота бўлиш ҳолларига жамоатчилик ҳам лойқайдлик билан қарамасликлари керак. Яна бир кишини мушоҳадалашга мажбур қиладиган томони, 17 ёшга тўлар-тўлмас узатилаётган қизларимизнинг аксарияти ҳали касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ёшлардир. Улар на оилада, на жамиятда касб-ҳунари билан ўз ўрнини тополмайди, мутахассис сифатида наф келтиролмайди, моддий жиҳатдан мустақил бўлолмайди... Статистик маълумотларга қарарганда, ҳозирги пайтда оила қураётган қизларнинг учдан бир қисми 19 ёшгача бўлган даврда, яримидан ортиғи, ёки 56 фоизи никоҳ учун қулай бўлган 20-24 ёшда оила қуряпти. Бундай ёшларнинг оиласи мустаҳкам, келажакда улар орасида ажримлар кам қайд этиляпти.



Мутахассис сифатида бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Кодекснинг «Никоҳ тузиш тартиби ва шартлари» деб номланган 13-моддаси 5-бандининг амалдаги ижросида тез-тез муаммолар учраяпти. Ҳар хил сабабларга кўра никоҳ ФҲДЁ органларида ўз вақтида қайд этилмаяпти, баъзи ёшлар шаърий никоҳ билан чекланиб оила қуряпти. Яна бир муҳим жиҳат, кодекснинг 16-моддасига кўра: «насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олганлар ўртасида»ги оила никоҳ тузишга монелик қилувчи ҳолатлар деб кўрсатилган. Афсуски марказимиз амалиётда ўтказган тадқиқотлар ҳамон қариндош-уруғлар ўртасида никоҳлар қайд этилаётганини кўрсатяпти, оқибатда, оилада туғма ногирон болалар туғиляпти. Масалан, Ургут туманида туғма ногирон болали оилалар билан ишлаганимизда, бевосита яқин қариндошлар никоҳида туғилган ногирон болалар салкам 6 фоизни ташкил этганига гувоҳ бўлдик. Чунки маҳаллий аҳоли орасида қариндош-уруғ билан қуда-андачилик қилишга мойиллик кучли.

2008 йилнинг 19 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ушбу дастур доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаяпти. Аммо таҳлиллар бу борада тарғибот ишларини янади кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

— Васила Маманосировна, ҳар қандай жамиятда оиладаги ажримлар тараққиётга салбий таъсир этади. Оила ажримларининг асосий сабаблари нимада?

— Илмий кузатишлар, айрим йигит ва қизларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги, тўйҳашамларнинг ортиқча сарф-харажатлари, олди-берди можаролари, ёш оиланинг ўз иқтисодий муаммоларини ўзи мустақил ҳал қила олмаслиги, саломатлик омили (тиббий кўрикдан ўтмаслик, келиннинг носоғломлиги, ногиронлик, ногирон бола туғилиши), эрнинг тайинли касб-ҳунари йўқлиги, оилада аёлнинг асосий рўзғор тебратувчи бўлиб қолиши, ноқонуний миграция, қўшхотинлик, норасмий никоҳлар, оилага хиёнат ва бошқа омиллар оила мустаҳкамлигига путур етказади, никоҳ ажримига олиб келади.

Оила мустаҳкамлигини таъминловчи омиллар эса фарзандларимизни миллий тарбия, аҳлоқ-одоб, юксак маънавият руҳида тарбиялаш, оилада ҳаётий фалсафага асосланган уфр-одатларни шакллантиришдир.

Оила — муқаддас маскан. Яқинда хорижда ўтказилган бир тадқиқотда олимлар турли шаҳарларда яшайдиган талаба-ёшлар орасида «Яқин кунда олган энг қувончли таассуротингиз нима ва қаер, ким билан боғлиқ?» дея сўровнома билан мурожаат қилишди. Респортантлар, яъни ёшларнинг 85-87 фоизи: Оилам билан хабарлашдим, оиламиздаги янгиликлар, оила аъзоларим билан боғлиқ, деб жавоб беришганлиги маълум бўлди.

Марказимиз ҳам республикамизнинг турли бурчакларидаги касб-ҳунар коллежи талабалари орасида: «Ҳаётингиздаги энг қувончли дамлар ким, нима билан боғлиқ?» дея сўровнома ўтказдик. Жавобларнинг аксарияти (95-98 фоизи): «Оиламиз, бувим, бувам, ота-онам, ака-ука, опа-сингилларим, келинойим...», деб жавоб қайтаришганининг гувоҳи бўлдик.

Зеро, инсоннинг барча орзу-умидларига оила ошён бўлади. Ҳар бир оила юрт бағридаги мўъжаз бир ватанга ўхшайди.

Суҳбатдош: Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-betda)

❖ Огоҳлик

ҚАДР-ҚИММАТНИНГ БАҲОСИ БОРМИ?

ёки одам савдоси ва унинг оғир оқибатлари хусусида

Ахборот глобаллашуви, фан-техника тараққиёти, хорижга бориш-келиш шароитларининг яхшилангани айрим жиноий гуруҳларга қўл келиб, бундан ўз қабиҳ мақсадлари йўлида фойдаланишга уринмоқдалар. Улар ҳалол меҳнат қилмай пул топиш учун ҳамюртларини ўзга мамлакатлардаги нопок кимсаларга сотишдан жирканмай, қонун олдида жавоб бериш вақти келганда эса юмшоқ супургидай елкаларини қисиб: «Бу ишни яхшилик ниятида, ватандошларим дунё кўрсин, даромад қилсин деган мақсадда қилувдим», — дейишдан нарига ўтишмайди.

Яқинда жиноий ишлар бўйича Сирдарё вилоят судида одам савдоси билан боғлиқ жиноий иш кўриб чиқилди. Судланувчилар Абдужалил Холйигитов, Соҳиба Йўлчиева, Ойбек Улашевлар Москва шаҳрида вақтинча яшаётган ҳамтовоқлари Дилрабо Холйигитова билан ўзаро жиноий тил бириктириб, енгил-елпи ҳаёт кечираётган қизларни топиш ва Россияга жўнатиш пайида бўлишган. Улар Гулистон шаҳрида «фаолият» кўрсатаётган Н.исмли қизни топиб, баданфурушликда Россияда яхши даромад қилиш мумкинлигини айтишади ва уни Москва шаҳрига боришга кўндиришади. Одамфурушлар Н.нинг паспортини қўлга киритади. Унинг номига самолёт чиптаси олиб, 2008 йил 17 октябрь куни Тошкент шаҳридаги Халқаро аэропортдан Москва шаҳрига жўнатмоқчи бўлган вақтда Сирдарё вилоят ИИБ тезкор ходимлари томонидан қўлга олинади. Айбдорлар Ўзбекистон Республикаси ЖК 135-моддаси 2-қисмининг «е», «з» бандлари бўйича айбдор деб топилиб, тегишли муддатларга озодликдан маҳрум қилинди.

Юртимизда тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилган. Қонуний фаолият юргизиб даромад топиш учун шароитлар етарли. Аммо айрим «ишбилармон»лар борки, улар вақтинча ишламаётган йигит-қизларнинг ишончига кириб, чув туширишга ҳаракат қилишади. Натижада бундай ёшларнинг кўпчилиги алданиб қолиб, ҳатто йўлкирага ҳам пул тополмай ўзга юртларда ғоят қийин ҳолатларга тушиб қолмоқда. Шундай устаси фаранг «тадбиркор»лардан бири қорақўллик Алишер Боқиев экан. У бир гуруҳ ёшларни Россияга олиб боради ва тегишли улушини олиб, иши битгач, уларни тақдир ҳукмига ташлаб, «ўйин»дан четлашади. Фирибгар домига тушганларнинг бир гуруҳи рус тилини умуман билмагани учун ишга олинмаган. Опа-ука Дилафрўз ва Муродлар эса Самара шаҳридаги «Копейка» дўконига ишга кирган (бири фаррош, бири эса юкчи бўлиб). Лекин у ерда эрта тонгдан ярим кечгача қилинган қора меҳнат даромад у ёқда турсин, яшаш ва ейишичиш харажатларига ҳам етмаган. Охири опа-ука бир илож топиб, оқолтин туманининг «Фарғона» қишлоғида яшовчи опасига қўнғироқ қилиб, ёрдам сўрашган. У пул юборгач, минг бир азобда орқага қайтишган.

Ҳамюртларининг бошига бундай қора кунлар тушишига сабабчи бўлган А.Боқиев қонун олдида жавоб берди. Бироқ бундай ўткинчи фирибгарлар тузоғига илиниб, чўпчакларига ишониб келаётган ёшлар ҳамон орамизда борлигига ҳайрон қоласан киши. Ёшлар-қу адашибди, алданибди. Уларнинг ким билан, қаерга, қандай шартлар ва шартнома асосида бораётганини жиддийроқ суриштирмай, хорижга жўнашига розилик бераётган оталар ҳақида нима дейиш мумкин? Бу ўта соддадиллик, ишонувчанликми ёки фарзандлар тақдирига бефарқлик оқибатими?

Жиноят ишлари бўйича Мирзаобод туман судида шу йил одам савдосида айбланувчи Турсунали Сулаймоновнинг жиноий иши кўриб чиқилди.

Т.Сулаймонов жиноий шериги Макар исмли киши билан бирга 22 нафар фуқароні Россияга олиб бориб, Сергей ва Андрей исмли корчалонларнинг иссиқхонасида ишлатган. Жиноятчилар олиб келинган ҳар бир арзон ишчи кучи учун иссиқхона эгасидан 6 минг рублдан «мукофот» пули олган. Жабрланувчиларнинг кўрсатмаларига қараганда иш берувчилар ўта жоҳил одамлар экан. Иш вақти эрталаб соат 7 дан кечқурун 21 гача давом этар, ҳар бир ишловчи гул уруғи қадалган нам тупроқдан кунига 900 тадан «стаканчик» ясаб бериши керак эди. Баҳоргача шу тарзда ишлагандан кейин далага чиқиб, қарам кўчатларини ўтқазишди. Карам йиғиб-териб олингач, экин майдонларини помидор кўчатлари ўтқазишга тайёрлашди. Иш берувчилар нафас ростлашга йўл қўймас, бетиним меҳнат қилишни талаб этарди. Турар-жойлари ўрмон ичидаги вагончада, овқатларининг эса тайини йўқ. Яшаш ва ишлаш шароитининг оғирлиги, «хўжайин»нинг уриб-сўкишига тоқат қила олмаган айрим мардикорлар кетиш пайига тушди.

— Мен шерикларим, ака-ука Сайфиддин ва Азамат Раҳмонқуловлар билан 2008 йил 19 август куни Андрейнинг ёнига бориб, уйга қайтмоқчи эканлигимизни билдирдик, — дейди суд мажлисидаги кўрсатмасида жабрланувчи Аҳад Йўлдошев. — У бизга аввал «Ҳар биринг учун Турсуналига ҳақ тўлаганман ва камида ўн ой ишлатишга келишганман. Кетадиган бўлсаларинг, паспорт билан миграция карточкаларингни печкага ташлаб юбораман», деб бақириб берди. Кейин одатига кўра уриб-тепиб, ҳақорат қилди. Биз барибир «кетамиз» деб туриб олдик. Шундан кейин Андрей зарда билан олдимизга ҳужжатларни ташлаб, ҳар биримизга 5000 рублдан пул берди-да «Бошқа бир мири ҳам ҳақ бермайман, энди қандай кетсанг кетаверларинг, буёғини ўзларингдан кўр», деди. Бу пул поездда кетиш харажатларига аранг етарди. Бошқа пулимиз йўқлиги учун Волгоград марказий вокзалида поездимизни кутиб, 2 кун оч-наҳор ётишга мажбур бўлдик. Тунда милиция ходимлари келиб, хоналарига олиб киришди-да, ҳужжатларимиз тугал эмаслигини айтиб, эвазига пул талаб қилишди. Биз пулимиз йўқлигини айтганимизда уриб-хўрлашди. Шу тарзда минг бир азоб билан бир тийин пулсиз уйга кириб келдик.

Бундай кўргулик Т.Сулаймонов бошлаб борган деярли барча фуқаролар бошига тушган. Халқимизнинг «Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу» деган нақли бор. Бизнингча, ҳамма гап, ҳар қандай чўпчакка ишониб, ҳар кимга эргашиб кетаётган соддадил ҳамюртларимизнинг мана шу нақлга амал қилмасликларида.

Одам савдоси жиноятн трансмиллийлиги, жавобгар шахсларни аниқлаш қийинлиги билан характерлидир. Шунинг учун ҳам фуқароларимизнинг ўзи, биринчи навбатда, хатти-ҳаракатларини чуқур ўйлаб кўришлари, хорижда ишлаётган ҳамюртларининг гўё жаракжарақ пул топаётганлиги ҳақидаги эртакларга ишонавермасликлари лозим. Мабодо хорижда ишлашни истовчилар бўлса, давлатимизнинг шу масала билан бевосита шуғулланувчи тузилмаларига мурожаат қилишлари керак бўлади.

Марат АБДУЖАББОРОВ,
Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди раиси.

✸ Шарҳ



Жаҳон ахборот агентликлари тарқатган хабарларга қараганда, Фаластин миллий маъмурияти раиси Маҳмуд Аббос 48 соат ичида ХАМАС ҳаракати вакиллари иштирокисиз (2006 йилги парламент сайловларида ХАМАСчилар ғолиб чиққан) янги ҳукумат тузишга киришади.

48 СОАТ ИЧИДА

янги ҳукумат тузмоқчи

Дарҳақиқат, Фаластин мухториятн раҳбари, ФАТХ партияси етакчиси Маҳмуд Аббос «Биз миллий бирлик ҳукуматини тузмоқчи эдик. Аммо томонлар билан бир тўхтамга кела олмаяпмиз. Шунинг учун 48 соат давомида янги ҳукумат таркибини шакллантиришга қарор қилдик» дея баёнот берди.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу қарор миллий бирлик ҳукуматини тузишга ҳалақит бермайди. Агар ФАТХ партияси билан ХАМАС ҳаракати бу борада ўзаро тил топиша олса, янги ҳукумат миллий бирлик ҳукуматига дарҳол ўз ўрнини бўшатиб беради.

Янги тузилажак ҳукуматни бошқариш мажбурияти амалдаги бош вазир вазифасини бажарувчи Салом Фаёд зиммасига юклатилиши мўлжалланмоқда. Маълумки, март ойи бошида у Фаластиндаги йирик партиялар (улар орасида ФАТХ ва ХАМАС асосий ўринни эгаллайди) фракциялари иштирокида тузилажак миллий бирлик ҳукуматига йўл очиш учун истеъфога чиққан.

Аммо, ФАТХ ва ХАМАС сиёсий ташкилотлари неча ойдирки янги ҳукумат таркибини шакллантириш учун воситачи давлатлар ёрдамида олиб борилаётган музокараларда ўзаро келиша олмаяптилар. Навбатдаги уриниш 16 май куни Қоҳира шаҳрида бўлиб ўтади.

Эслатиб ўтамиз: 2007 йил июнда Ғазо минтақаси ХАМАС томонидан эгаллаб олингач, Фаластин ҳудудида икки ҳокимиятчилик юзага келган. Шундан сўнг мухториятдаги икки йирик партия — ФАТХ ва ХАМАС ўртасида алоқалар бутунлай узилган.

Жорий йилнинг январь ойи ўрталарида Исроилнинг Ғазо минтақасида ўтказган уч ҳафталик ҳарбий операциясидан сўнг ягона ҳукумат тузиш учун музокаралар ўтказиш яна кун тартибга чиқди.

Бу ҳукумат 2010 йил январда бўладиган сайловларгача мухториятни бошқариши лозим.

Таъкидлаш керакки, ФАТХ коалиция ҳукуматини шакллантиришни, Исроил билан муносабатларни узмасликни талаб қилмоқда. ХАМАС эса (сайловларда ғолиб чиққани учун ҳукумат таркибида кўп ўринни эгаллайди) Исроилни тан олишни истамаяпти.



Аслида миллий бирлик ҳукумати 2007 йил февралда Саудия Арабистони воситачилигида ташкил этилган эди. Аммо ўша йили июнда ХАМАС раҳбариятининг ФАТХ тасарруфида бўлган Ғазо минтақасидаги ҳудудларни ХАМАС назоратига ўтказилиши ҳақидаги талаби бу икки сиёсий куч ўртасида қуролли тўқнашувлар бошланишига сабаб бўлди. Шундан сўнг мухторият раҳбари Маҳмуд Аббос ФАТХ ва ХАМАС вакилларидан иборат миллий бирлик ҳукуматини истеъфога чиқариб, мухториятда фавқулодда ҳолат жорий этишга мажбур бўлди.

Шу ўринда Фаластиндаги икки йирик сиёсий куч — ФАТХ ва ХАМАС ҳақида тўхталиб ўтсак.

ФАТХ — «Ҳаракат ал-Таҳрир ал-Филистиния» («Фаластин озодлик ташкилоти») Фаластиннинг марҳум президенти Ёсир Арафот томонидан 1950 йилда тузилган бўлиб, унинг ўша пайтдаги асосий мақсади Фаластинни Исроил назоратидан озод қилиш бўлган. Кейинчалик ФАТХ энг катта сиёсий партияга айланган ва Исроилни тан олиб, икки томонлама битим тузиш учун саъй-ҳаракат олиб борган. 1990 йили Ослода бу битим имзоланган.

Мухторият маъмуриятининг асосий қисмини ФАТХ аъзолари ташкил этиб келган. Аммо 2006 йилги парламент сайловларидаги мағлубият ФАТХ истиқболига соя солди.

ХАМАС — «Ҳаракати ал-Мукавама ал-Исламия» («Ислом қаршилик кўрсатиш ҳаракати») «Мусулмон биродарлар» ҳаракатининг Фаластин қанотидан таркиб топган. Унинг асосий мақсади Фаластин ҳудудида ислом давлатини қуришдир.

Мазкур ҳаракат 1987 йил тузилгандан бошлаб 2 та вазифани бажариб келади — ижтимоий ҳимоя ва қуролли кураш. Бу эса кўпчилик фаластинликларга маъқул келиб, улар ХАМАСни қўллаб-қувватлаяптилар.

Лекин ўз навбатида Исроил, АҚШ ва ЕИ томонидан ХАМАС террорчи ташкилотлар рўйхатига киритилган. Шунинг учун ҳам 2006 йилги парламент сайловларида ХАМАСнинг ғалаба қозонганига халқаро экспертлар ишонмадилар ва сайлов натижаларини тан олмадилар.

Бироқ бугун бу масала муҳим эмас, балки икки сиёсий кучни муросага келтириш, мухториятда барқарорликни таъминлаш нафақат Яқин Шарқ мамлакатлари, балки дунё ҳамжамияти учун ҳам долзарб муаммо бўлиб турибди.

Алимқул СУЛТОНОВ,
сиёсий шарҳловчи

✓ Иқтисодиёт ва ислоҳот

ЖАҲОН АНДАЗАЛАРИ САРИ ЙЎЛ

Бундан ўн беш йил аввал, яъни 1994 йилнинг май ойида ташкил этилган «Савдогар» акциядорлик тижорат банки юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўтган 2008 йил банкнинг ривожланиш тарихида юқори суръатлар билан ўсиш йили бўлди. Мамлакатимиздаги қулай иқтисодий муҳит, банк-молия тизимида ислоҳотларнинг янада чуқурлаштириш ва қўламини кенгайтириш бўйича қабул қилинган дастурларнинг амалга оширилиши банкнинг муваффақиятли фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратиб берди. Аҳолини ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банкка бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш мини банклар тармоғини кенгайтириш ҳисобига банк тизимида рақобатбардошлик муҳитини шакллантириш учун зарур шароитлар яратилди. Мижозлар билан ишлаш услубларини такомиллаштириш ва банк хизматларининг янги турларини жорий этиш ҳисобига мижозлар сони йилдан йилга ошиб бормоқда.

Натижада банк фаолиятининг асосий кўрсаткичлари ўсмоқда. Банк активлари миқдори шу йил 1 январь ҳолатига 123,9 млрд. сўмга етказилди ва ўтган йил бошига нисбатан 34,5 млрд. сўмга ошди. Айни пайтда мамлакатимиз ҳудудида банкнинг 26 филиали ва 54 та минибанки ҳамда 46 та халқаро пул ўтказиш шохобчаси фаолият юргизмоқда.

Сўнгги йилларда банк корпоратив мижозлар билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг янги босқичига ўтди. Бу борадаги иш услуби ҳар бир мижозга индивидуал ёндашув ҳамда аниқ тизимли банк хизматларини таклиф этишдан иборат. Ҳар бир мижознинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжини максимал даражада қондириш, фаолиятининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш, шунингдек, ўзаро манфаатли ҳамкорлик — банкнинг ҳам корпоратив, ҳам хусусий мижозлар билан ишлашдаги асосий тамойилларидир.

Мижозлар билан ишлаш услубларини мунтазам такомиллаштириш ва банк хизматларининг энг замонавий илғор шаклларини амалиётга жорий этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар катта самара бермоқда. Пул маблағларини бошқариш тезкорлигини ошириш, ҳисобкитобларни сифатли ўтказиш, вақтни тежаш мақсадида «Банк — Мижоз» дастури кенг қўлланилмоқда. Бунинг натижасида мижозлар сони йилдан-йилга ортиб, бу кўрсаткич 2008 йил якуни бўйича 29542 тага етди. Бугунги кунда «Савдогарбанк» кенг доирадаги мижозлар билан ҳамкорлик қилиб, улар орасида йирик саноат корхоналари, қурилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари, кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар ва фермер хўжаликлари мавжуд.

Банкнинг кредит сиёсати кредит хатарининг энг паст даражасига эришиш ва мунтазам мониторинг ўтказишга қаратилган. Кредит операциялари ишончлигини ошириш ва уларнинг самарадорлигини ўстириш мақсадида қўйилмалар тузилмасини такомиллаштириш банк кредит сиёсатининг асоси ҳисобланади. Ўтган йили банк кредит сиёсати мамлакат иқтисодиётининг реал секторига қарашли корхоналарни устувор кредитлашга қаратилди. Ва бу мақсадларга кредитларнинг юз фоизи йўналтирилди. 2009 йил 1 январь ҳолатига кредит қўйилмалари 81 млрд. 121 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,25 баробарга ошди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш банк фаолиятида ҳамиша устувор ўринни эгаллаб келган. Мамлакатимиз ички бозорини истеъмол моллари билан тўлдириш, импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, қўшимча янги иш ўринларини ташкил этадиган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2008 йил давомида банкнинг ўз маблағлари ҳамда жалб қилинган маблағлар ҳисобидан 25 млрд. 689 млн. сўм кредит ажратилди ҳамда кредитлар қолдиғи 27 млрд. 140 млн. сўмни ташкил этди.

Масалан, Андижон шаҳрида фаолият юритаётган «Феррари транс» масъулияти чекланган жамиятини олайлик. Жамият бир неча йилдан буён «Савдогарбанк»нинг Андижон вилоят филиали мижози сифатида фаолият юритяпти. Бу корхона асосан автомобилларга техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Мазкур МЧЖ 2007 йил ўз фаолиятини янада кенгайтиришга қарор қилиб, янги замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш мақсадида банкка мурожаат қилиб, эллик миллион сўм кредит сўради. Банк ходимлари эса ҳисоб-китобни тезда амалга ошириб, керакли кредитни тадбиркорга ўз вақтида ажратиб берди. Айни пайтда корхона жамоаси автомобилларга хизмат кўрсатиш соҳасида анча илгарилаб кетди. Яъни, унинг мижозлари кўпайди. Банкдан олинган кредит эса мунтазам равишда сўндириб бориляпти. Устига-устак жамиятда ўн бешта янги иш ўринлари вужудга келди.

— Биз Урганч туманида қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланамиз, — дейди «Яшнар» хусусий фирмаси раҳбари Илҳом Раҳимов. — Кўпдан буён «Савдогарбанк» АТБ Хоразм вилоят филиали мижозимиз. Банк ҳамиша бизга сидқидилдан хизмат қилмоқда. Бу ерда хизмат кўрсатиш маданияти аъло даражада. Ходимларнинг салом-алигидан тортиб, ҳужжатларни расмийлаштиришгача ўзлари бош-қош. Ўтган йилнинг бошларида айланма маблағларимизни кўпайтириш учун 30 млн. сўм кредит сўрадик. Чунки, кейинги йилларда қатор мактаб, коллеж, лицей қурилиши бўйича ўтказилган тендерларда ғолиб чиққандик. Ана шу муҳим объектларни бунёд этиш учун қўшимча маблағ зарур эди. Банк ходимлари эса кредитни ҳар доимгидек ўз вақтида ажратиб берди. Ишларимиз юришиб кетди. 22 нафар ёш йигит-қиз иш билан таъминланди. Айни кунларда кредит ва унинг фоизларини муддатида тўлаб бормоқдамиз. Бу йил ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш мақсадида янги қурилиш асбоб-ускуналари сотиб олмоқчимиз. Банкдан яна кредит олиш ниятимиз бор.

«Bobur Mirzo Print» хусусий корхонаси 2009 йил 6 апрелда Ҳиндистон технологияси асосида маҳаллий хомашёдан қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ускуна харид қилиш учун «Савдогарбанк» АТБ Зангиота филиалига мурожаат қилганди. 2009 йил 25 апрелда мижозга 65 млн. сўм кредит ажратилди. Кредит ҳисобига олинган технология асосида 6 киши иш билан таъминланди, туман ва шаҳар аҳолисининг қоғоз маҳсулотларига бўлган талаби қондирилаётир.

«Нигматжон Агро» фермер хўжалиги Қибрай туманида фаолият олиб боради. Чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш мақсадида қора мол, товуқ ва ем сотиб олиш учун 2009 йил 6 апрелда 14 фоиз йиллик устама тўлови билан 3 йил муддатга 25 млн. сўм кредит ажратилганди ва бунинг натижасида янги иш ўрни ҳам яратилди.

Банк фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Дарвоқе, банк томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 млрд. 968 млн. сўмлик кредит ажратилди. Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 1 млрд. 373 млн. сўм миқдорида микрокредит ажратилди.

Мижозларга хизмат кўрсатишни жаҳон андазаларига етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Савдогарбанк» жамоаси дунёнинг бир қатор нуфузли молия муассасалари тажрибасидан унумли фойдаланмоқда. Шу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар дунё миқёсида пул ўтказишда катта тажрибага эга бўлган «Вестерн Юнион» хизматидан фойдаланиш имконини яратди. Электрон тўлов тизимига ва ғоят қисқа муддатларда хизмат кўрсатишга асосланган ушбу молия муассасаси бугунги кунда жаҳоннинг ўнлаб мамлакатлари билан мустаҳкам иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Кўплаб юртдошларимиз илмий-техникавий, тижорат ва бошқа ишлар билан дунёнинг турли жойларида бўлишларига тўғри келаётган ҳозирги пайтда тезкор пул ўтказиш тизимидан фойдаланилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. «Савдогарбанк» томонидан аҳоли учун қулай банк хизматлари кўрсатиш мақсадида 46 та хизмат кўрсатиш шохобчаларида «Вестерн Юнион», «Анелик», «Контакт», «Интер экспресс», «Мигом» каби пул ўтказмалари турлари ҳам мавжудки, булар орқали мижозларга хорижий валютада маблағ ўтказиш ёки қабул қилиш имконияти яратилмоқда.

Бошқа банклар билан вакиллик муносабатларининг янада тараққий топиши «Савдогарбанк»га ўз мижозларининг экспорт-импорт операциялари бўйича халқаро тўловларнинг янги сон ва сифат даражасида амалга оширилишига бўлган эҳтиёжларини қондириш имконини берди. Бугунги кунда қатор хорижий ва Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган вакиллари билан вакиллик алоқалари олиб борилмоқда. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, «Ипак йўли» банки, «Капиталбанк», Австриянинг «Райффайзенбанк», Россия Федерациясининг «Евротрастбанк» ва «Русславбанк»лари шулар жумласидандир. Шу боис, банклараро пул ўтказмалари ҳажми сезиларли даражада ошди. 2008 йил давомида 50 та экспорт шартномалари (умумий суммаси 50 млн. 569 минг АҚШ доллари) ва 218 та импорт шартномалари (умумий суммаси 116 млн. 150 минг АҚШ доллари) рўйхатга олинди. Экспорт шартномалари бўйича валюта тушуми миқдори 15 млн. 439 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан анчагина ишлар қилинди. Банк томонидан 2009 йил 1 январь ҳолатига муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 66 минг 404 тани ташкил этди. «Савдогарбанк» пластик карточкалари Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги банк филиаллари мижозлари бўлган турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларда иш ҳақи лойиҳалари доирасида татбиқ этилган. Ушбу пластик карточка эгалари учун махсус омонат таклиф этилган. Банкда аҳолидан электр энергия, табиий газ ва бошқа коммунал тўловларни йиғишда турғун савдо нуқталарига АЕҚШ, кафе ва савдо-сервис шохобчаларига 650 та терминал ўрнатилган. Бир йил ичида терминаллар орқали пластик карточкалар ҳисоб рақамларига ўтказилган транзакциялар умумий суммаси 19 млрд. 197,7 млн. сўмни ташкил этди.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш асосида ҳар икки томонга манфаат келтирадиган омонат турлари жорий қилинди. Миллий ва хорижий валютадаги юқори даромад тўланадиган 15 та янги омонат тури мавжуд. Айни пайтда банкда 66 мингдан ортиқ омонатчига самарали хизмат қилинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, халқ хўжалигининг барча соҳаларига хизмат қилаётган Ўзбекистон — Германия «Савдогар» акциядорлик тижорат банки Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ҳам баракали меҳнат қилаяпти. Банк ходимларининг нияти — ишончли ва кафолатли хизмат кўрсатиб, мижозлар қалбига йўл топиш.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсуповнинг 80 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистондан вакиллар ҳамда шоирлар, ёзувчилар, олимлар, адабиёт мухлислари иштирок этишди.

ШОИРЛИК ШАРАФИ

Чимбой туманининг Озод овулида дунёга келган Ибройим Юсупов қорақалпоқ халқининг орзу-умидларини ўзига хос маҳорат билан шеър-драмаларига кўчирди. Унинг бадиий ташбеҳларга бой асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинди. Ўз навбатида шоир ҳам жаҳон адабиёти дурдоналаридан намуналарни қорақалпоқ тилига ўгирди. Бу адабий кўприк уни Расул Ҳамзатов, Мустай Карим, Давид Қуғултинов каби буюк замондош шоирлар билан дўстлаштирди. Таниқли болқор шоири Қайсин Қулиев «Ибройим Юсупов туркий дунёнинг атоқли шоири», дея унинг ижодига юксак баҳо берганди. Ибройим оға ҳам уларга бўлган улкан эҳтиромини шеърларида ифода этди:

Олисдаги Асқар тоғлар,
Бир-бирини кўрмак бўлар.
Шу важданким бийик улар,
Кўнгил кўнгилдан сув ичар...

— Қорақалпоқ элида шоир таваллудига бағишлаб ўтказилган тадбирлар мана бугун пойтахтимизда давом эттирилаяпти, — деди тадбирни очар экан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов. — Ҳар бир шоир ўз дарди, ўз қувончи билан дунёга келади. Ибройим Юсупов қорақалпоқ маънавиятининг элчиси эди. У ўзининг шеър-достонларида қорақалпоқ тили бойлигини, қадим маданиятини намоён қила олди.

— Ибройим ака табиатан шоир эди, — деди Қорақалпоғистон Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Шароп Уснатдинов. — Қайси лавозимда ишламасин, шеър ёзишдан тўхтамади. Ҳатто йиғинларда тиззасига қоғоз қўйиб, шеър ёзиб ўтирарди. Йиғинларда ҳозиргина тугатган шеърини ўқиганда унинг ҳозиржавоблигидан, истеъдодидан барча ҳайратга тушарди.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан олим ва адиблар шоир ҳақидаги таассуротларини гапириб, унинг ижодидан намуналар ўқишди. Қорақалпоқ санъат усталари Байрам Матчонов ва Умрбой Касимбетов шоир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлардан ижро этишиб, тадбирга янада файз бағишлашди.

Асрор МЎМИН



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ЭҲТИРОМ

Саксон ёшнинг самосида юзи бор,
Эл ичида офтобдайин сўзи бор.
Тупроғида товлангувчи изи бор,
Ҳар кимни ҳам Ҳақ қўлласин, илойим,
Қорақалпоқ фахри оғам Ибройим.

Шоирликда шараф топган, шон топган,
Элим дея жондан ширин жон топган.
У дилларга иссиқ нондек сўз ёпган,
Қаламига қўрлар тўкди Худойим,
Қорақалпоқ марди оғам Ибройим.

Ажиниёз сўзи дардга даводир,
Тўлепберган тўлиб оққан дарёдир,
Ибройими дил кўкида зиёдир,
Кўргинг келса агар чўллар чиройин,
Кўзгу бўлар сенга оғам Ибройим.

Қорақалпоқ, мен қадрингдан айланай,
Қутлуғ кунда сўз айтмоққа шайланай.
Ўланларинг банд-бандига бойланай,
Нурли кўрдим оқибатинг саройин,
Шу саройни кўрки оғам Ибройим.

«УМИД НИҲОЛЛАРИ»ДА ҚАТНАШИШНИНГ ЎЗИ БАХТ

Президентимиз ташаббуси билан ўтказилаётган уч босқичли спорт мусобақалари юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш, бўлажак чемпионларни кашф этишда асосий воситага айланиб бормоқда.

— Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» мусобақаларига, — дейди Бухоро вилоят халқ таълими бошқармаси ҳузуридаги «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти раиси Тоҳир Ғуломов, — «Кичик олимпиада» деган нисбат берилгани бежиз эмас. Ўқувчи-ёшларимизнинг бу мусобақаларда қатнашишининг ўзи катта бахтдир. Чунки, бу беллашувларда сараларнинг энг сараси иштирок этади. Гулистон шаҳрида ўтказиладиган мазкур спорт ўйинлари республика финал босқичида вилоятимиздан 128 нафар ўғил-қиз қатнашади.

«Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинларининг вилоят босқичида қатнашган 1600 дан зиёд иштирокчи орасидан саралаб олинган ўқувчилар вилоятнинг энг замонавий спорт мажмуаларида охирги тайёргарлик машқларини ўтказишяпти. Уларга 18 нафар малакали мураббий, 11 нафар ҳакам беллашувларнинг ўзига хос сир-асрорларини ўргатишяпти.

— «Умид ниҳоллари» мусобақаларида шогирдларим муваффақиятли қатнашиб келаяпти, — дейди белбоғли кураш бўйича вилоят федерацияси раиси, бош мураббий Соҳиб Қосимов. — Бунинг устига Гулистон беллашувларида қатнашадиган 4 нафар курашчининг ҳаммаси мамлакат мусобақаларининг совриндоридир. Ғиждувон туманидаги 32-мактаб ўқувчилари Жаҳон Нарзуллаев, Олмос Эрдонов Фарғона ва Андижонда ўтказилган мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллашган. Ўйлайманки, биз Сирдарёдан ҳам ғалаба билан қайтамиз.

Бухоролик мураббийлар ва мусобақаларда иштирок этувчи ўқувчи-ёшларнинг бугунги саъй-ҳаракати уларнинг енгил атлетика, волейбол, баскетбол, бадиий гимнастика, кураш, сузиш, футбол, қўл тўпи, спорт гимнастикаси ва бошқа турлар бўйича ўтказиладиган муросасиз курашда совринли ўринларга даъвогарликларидан дарак бераётир. Зеро, омад ҳамиша ўзига ишонганлар тарафидадир.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 449
13111 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 23.45
Topshirilgan vaqti — 00.30
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda

«БАҲОРГИ МАРАФОН»

Пойтахтимиздаги мактабгача таълим масканлари ва умумтаълим мактабларида жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Анъанавий тадбирга айланаётган «Баҳорги марафон» лойиҳаси ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Чилонзор туманидаги 162-мактабда бўлиб ўтган тадбирда ўқувчилар спортнинг 12 тури, шунингдек,расм чизиш ва йўл ҳаракати қоидалари бўйича ўзаро беллашдилар.

— Марафонни ўтказишдан мақсад, биринчи навбатда ўқувчиларимизни спортга кенгроқ жалб қилиш, уларнинг бўш вақтларини фойдали машғулотларга сарф этиш, — дейди мактаб директори Нигора Юнусмуҳамедова.

Мусобақа якунида барча иштирокчиларга «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва бошқа жамоат ташкилотларининг эсдалик совғалари топширилди.

Шаҳобиддин РАСУЛОВ

Суратларда: *марафондан лавҳалар.*

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши «Чорбоғ ГЭС қурилиш» бошқармаси бошлиғи, партия фаоли, Халқ депутатлари Бўстонлиқ туман Кенгаши депутати **Тоҳир АШИРБОЕВ** вафоти муносабати билан унинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши ЎзХДП Янгийўл туман кенгаши раиси ўринбосари Зулхумор Исмоиловага падари бузруквори **ТУЛЕПБОЙ ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши партия фаоли, уруш ва меҳнат фахрийси **Исом ЖАЛИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

«ҚОРАҚАЛПОҚФИЛЬМ» НАМОЙИШ ЭТАДИ

Премьера

Пойтахтимиздаги Киночилар уйида «Қорақалпоқфильм» киностудиясида ишлаб чиқарилган илк тўла метражли «Ўғри» бадиий фильмининг премьераси бўлди.

Илгари ҳам Қорақалпоғистонда фильмлар суратга олинган. Фақат улар қарақалпоқ заминида тасвирга туширилган, монтаж ишлари, овозлаштириш Тошкентдаги киностудияда амалга оширилган. Мамлакатимизда кино санъатини ривожлантиришга давлат миқёсида эътибор берилаётгани сабабли кейинги йилларда «Қорақалпоқфильм» киностудияси ҳам замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Натижада киностудияда ҳужжатли, мультипликацион фильмлар билан бир қаторда тўла метражли бадиий фильмлар ишлаш учун шароит яратилди.

«Ўзбеккино» миллий агентлиги буюртмасига кўра «Қорақалпоқфильм» киностудиясида тайёрланган «Ўғри» бадиий фильми биринчи ана шундай катта ижодий иш бўлди. Комедия жанрида олинган ушбу фильмда қорақалпоқ халқининг ўзига хос турмуш тарзи ўз аксини топган. Фильм воқеалари ўйламай айтилган биргина «ўғри» сўзидан кейин бошланади ва бош қаҳрамон ҳақ қарор топгунча қанча маломатларни бошдан кечиради. Хуллас, фильм сценарийсидан монтаж ишларигача «Қорақалпоқфильм»га тегишли бу фильм нафақат унинг илк фильми, балки қорақалпоқ ижодкорларининг илк ютуғи ҳам десак сира муболаға қилмаймиз.

(Ўз мухбиримиз)

Мавзуга қайтиб

ТУГАМАЁТГАН «ТАНГАСОЗИ» ТУГАЙДИ

«Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш каби асоратларга йўл қўйилмоқда. Энг ачинарли томони шуки, бундай сохта хўжакўрсинчилик одатлари ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда!»

Ушбу иқтибос Юртбошимизнинг 1998 йил 28 октябрда қабул қилган Фармонидан келтирилди. Мазкур ҳужжат эълон қилинганига ҳам ўн йилдан ошди. Ўтган давр мобайнида унинг ижроси юзасидан жойларда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди.

Аммо, юқорида афсус билан қайд қилинган дабдабабозлик у ёки бу кўринишда ҳамон намоён бўлмоқда. Тўй-тадбирларда хонанда-ю раққосага чангаллаб пул тутишдек ёмон одат ҳам шунга киради. Хоразмнинг айрим туманлари, қишлоғу маҳаллаларида бу иллатга мутасадди раҳбарлар эътибор бермаётганини газетамизнинг шу йил 30 апрель сонидаги «Тугамаётган тангасози» мақоласида ёритган эдик.

Баъзида газетадаги мақола жамоатчилик фикрини уйғотса-да, масъул раҳбарлар назаридан четда қолади. Натижада, ёмон иллат яна аста-секин бош кўтарарди. Бу галги мақола эса... Яхшиси, бу ҳақда аввало жамоатчилик фикрига қулоқ тутайлик.

Йўлдош Эгамберганов, Урганч шаҳридаги «Юқорибоғ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Газета бор гапни ёзган. Негаки, биз маҳалламиз фаоллари билан биргаликда бу каби иллатларга қарши курашиб, том маънода уни таг-томири билан тугатдик деб айтолмаймиз. Ҳамон айрим ўзидан кетган кимсалар, пулдорлар тўй-тадбирларида раққосани пулга «чўмилтириш» билан ўзларини кўз-кўз қилишмоқда. Одатда бундай тўйларга бизларни таклиф қилишмайди. Сабаби — аён! Шу ўринда вилоят ҳокими 5 май куни ўтказган йиғилишда бу масалага алоҳида тўхталгани, газета мақоласини ўқиб бериб, барчанинг эътиборини шунга қаратгани айни муддао бўлди.

Эркин Эрматов, журналист, Қўшкўпир тумани:

— Бизнинг «Қатағон» қишлоғимизда «тангасози» дегани Юртбошимиз Фармонидан кейин бархам топди. Аммо, ўтган йили айнан маданият соҳасида ишлайдиган бир раҳбар буни қайта яшартирмоқчи бўлди. Қаршилик қилганларни назарига илмади. Мен бу ҳақда матбуотда чиқиш қилгач, у вазифасидан бўшатилди ва тўйларимиз яна тартибли, асосийси «тангасози»сиз (қўшиқчи ёки ўйинчига пул қистириш, улар устидан пул сочиш одати хоразмда «тангасози» дейилади) ўтмоқда. Лекин менинг бу мақолам айрим раҳбарларга ёқмаганини ҳам айтишим керак.

Мақсуд Раҳимов, ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Хонқа туман бўлими раиси:

— Президентимизнинг Фармонида ҳаётимизда учраб турган шу каби иллатлар биринчи навбатда ёшлар тарбиясига ёмон таъсир кўрсатиши таъкидланган. Ҳақиқатан ҳам ёшлар тўй-тадбирларда кўрганларини ҳаёт тарзи деб билишади, қабул қилишади. Бир кунлик тўй оиланинг бир неча йиллик бюджетига путур етказаётгани билан ҳеч иши йўқ. Яна бир томони, ҳозирги айрим хонандаларнинг тутуруқсиз қўшиқлари. «Ўлдим-куйдим»дан нари ўтмайдиган бу қўшиқлар тингловчига завқ бағишламайди. Аксинча, ёшлар ахлоқига салбий таъсир кўрсатади. Сўнгги пайтда нафақат тўй-томоша, балки ойнаи жаҳонда ҳам шундай маза-матрасиз, мазмун-моҳиятсиз қўшиқларни эфирга узатмаслик чора-тадбирлари кўрилмоқда. Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши вилоят бўлимига эндиликда ҳар ойда лицензия олишга нолойиқ деб топилган қўшиқчилар рўйхати, уларнинг шеър матнлари ва мусиқасининг таҳлили бўйича вилоят ҳокимлигига маълумот бериб бориш вазифаси юклатилгани ишда кескин ижобий ўзгариш ясашига ишонч уйғотади.

✧✧✧

Хоразм вилоят ҳокимининг қабул қилган фармойиши айнан юқорида эслатилган иллатларга қарши курашишда муҳим қадамдир. Унда тўй-маросимларни тартибли, исрофгарчиликсиз (ва албатта «тангасози»сиз) ўтказиш учун жавобгар ташкилотлар раҳбар-ходимлари зиммасига бир қатор масъулият юклатилган.

Бу борада Хонқа, Янгиариқ, Боғот туманларида ўзига хос тажриба амалиётда эканлигини ҳам алоҳида қайд қилиш керак. Кенг жамоатчилик талаби эса аллақачон пишиб етилган. Фақат бу масалаларга масъуллар эътиборни кучайтиришлари лозим, деб ҳисоблаймиз.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.